## ● *Ватан ҳимоясига тайёр бўл!*

**Ҳар йил баҳорда ва кузда «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида» СССР Қонунига ва СССР Мудофаа министрининг буйруғига мувофиқ ёшларнинг ҳақиқий ҳарбий хизматга навбатдаги чақириқлари бўлади. Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округимиз жойлашган территориядаги республикалар — Ўзбекистон ва Туркманистондан ҳам йигитлар армия сафларига бориб қўшиладилар.**

# МУҚАДДАС БУРЧ

**Генерал-полковник**
**Н. И. ПОПОВ,**
**Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони**

Бундай воқеа ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Оркестрларнинг жанговар овози, ҳаяжонли нутқлар, бўлажак хайрлашув одатдан ташқари кўтаринкилик туйғусини, Ватан ўз хавфсизлигини ишониб топшириб, фарзандларига билдираётган ишонч учун ифтихор туйғусини юзага келтиради.

Кейин оддий солдатлик кунлари, қизғин ўқиш, машқлар, тактик машғулотлар бошланади. Ана шу солдатлик кунлари қийинчиликлар билан ўтадиган романтикага бой бўлиб, характерларни чиниқтиради, руҳий бардамликни, қатъиятни, матонатни тарбиялайди. Армия йиллари ҳеч ким учун изсиз ўтиб кетмайди. Бу йиллар ҳар бир ёш кишининг Ватанни яна ҳам кучлироқ севишига, жанговар ўртоқликнинг буюк кучини билиб олишига ёрдам беради. Армияда кўп миллатли оиламиздаги қардош халқларнинг дўстлиги мустаҳкамланади.

Бу йил армия сафини тўлдириш қандай бўлади? Бу савол завод ва фабрикаларнинг, колхоз ва совхозларнинг вакиллари, бугунги студентлар ва ўқувчилар қўл остига борадиган командирларни ҳам, узоқ вақт давомида ёшлар билан ҳарбий-ватанпарварлик ишларини олиб борган, йигитларни хизматга тайёрлаган ташкилотларнинг вакилларини ҳам қизиқтирмоқда.

Ёшларнинг Конституциядаги ўз бурчини адо этишга тайёрлиги масаласи ҳаммамиз учун шунчаки оддий бир масала эмас. Жаҳондаги аҳволнинг мураккаблиги, бу аҳвол империалистик доираларнинг айби билан кескинлашиб бораётганлиги шу масалани ўртага қўйишни тақозо этмоқда. АҚШ империалистлари бошчилигидаги реакцион кучлар Совет Иттифоқининг кенг миқёсли тинчлик ташаббусларини барбод этишга интилиб, ўз қора ишларини қилмоқдалар. Жанубий чегараларимизнинг бевосита яқинида жойлашган мамлакат — Афғонистондаги вазиятни сиёсий бартараф этиш жараёнини барбод қилиш йўлидаги уринишлар ҳам ана шу кучларнинг ёвузликлари жумласидандир.

Шу боисдан ҳам Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Қуролли Кучларнинг қудратини совет халқи тинч меҳнатининг хавфсизлигини таъминлайдиган даражада сақлаб туриш учун ҳамма ишни қилмоқдалар.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш социалистик Ватанни ҳимоя қилиш борасидаги катта ва кўп қиррали ишнинг муҳим бўғинларидан биридир. Партиямиз Ленин васиятларига амал қилиб, ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини коммунистик қурилиш умумий вазифаларининг таркибий қисми деб, социалистик давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири, социализм ва коммунизм қурилишининг объектив зарурати, деб билмоқда.

Ўзбекистон ва Туркманистонда ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг аҳволини таҳлил қилиб, шуни мамнуният билан қайд этиш мумкинки, кўп шаҳарлар ва қишлоқларда, корхоналар ва муассасаларда, ўқув юртларида бу муҳим ва зарур ишни қайта қуриш кераклигини яхши англамоқдалар, уни кучайтириш чораларини кўрмоқдалар.

Ҳозир республикалар Компартиялари Марказий Комитетларидан бошлаб, район ва шаҳар партия комитетларигача, округ ҳарбий кенгашидан бошлаб, район ҳарбий комиссариатлари ва ҳарбий қисмларгача ҳамма даражаларда ёшларни СССР Қуролли Кучларида хизмат қилишга тайёрлашда ишчанлик ва конкретлиликни, энг муҳими эса натижадорликни ошириш юзасидан биргаликда олиб бориладиган ишларнинг аниқ тадбирлари тузилган ва улар рўёбга чиқарилмоқда. Ижобий намуна сифатида шундай фактни келтириш мумкинки, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми шу йил апрель ойида «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида» СССР Қонунини бажариш юзасидан республикадаги ишларнинг аҳволини таҳлил этди. Жиддий нуқсонлар очиб ташланди, уларни бартараф этиш учун зарур чоралар кўрилди. Ишга бундай манфаатдорлик билан ёндашувни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳамма жойда оммалаштириш зарур. Бу эса ёшларни армияда хизмат қилишга тайёрлаш масалаларини яхшироқ ҳал этиш имконини беради.

Округ ҳарбий кенгашининг кенгайтирилган мажлисларини ўтказиш ҳам дадил амалий тадбир бўлиб қолди. Ана шу мажлисларда республика раҳбар органларининг вакиллари ишнинг моҳияти билан яхшироқ танишиш, олдимизда турган вазифаларни энг мақбул тарзда ҳал этиш йўлларини белгилаб олиш имкониятига эга бўладилар. Ҳарбий комиссариатлар фаолиятини таҳлил қилиш учун комплекс группаларнинг тузилиши каби иш формаси ҳам ўзини оқламоқда. Шу группаларнинг хулосалари чоралар кўриш учун маҳаллий Совет ва партия органларига етказилмоқда.

Ёшлар билан ҳарбий ватанпарварлик ишида партия ва совет халқининг революцион ҳамда жанговар анъаналари, юртдош қаҳрамонларнинг жасоратлари кенгроқ пропаганда қилина бошлади. Ўзбекистон ва Туркманистондан Қуролли Кучлар сафига чақирилган йигитлар орасида ўрнак олса арзийдиган кишилар бор. Қизил байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи жанговар йилномасининг саҳифалари Граждан уруши қаҳрамонлари Б. Усмонхўжаев ва Ю. Бойматовнинг, Я. Чанишев ва А. Мелькумовнинг, босмачиларга қарши жанг қилган, республикалар территориясини манфур оқ гвардиячилардан озод қилган кўпгина бошқа революция жангчиларининг номларини авлодлар учун асрамоқда. Ўзбекистон ва Туркманистон вакиллари Улуғ Ватан уруши фронтларида ўзларини шон-шуҳратга буркадилар. Генераллар С. Раҳимов ва Я. Қулиев, Шуҳрат орденининг тўла нишондорлари М. Керимов ва Т. Тостандиев — йигитлар ҳарбий бурчни фидокорона адо этиш, Ватанга чексиз садоқат намунасини ана шулардан ўрганмоқдалар.

Кекса авлодларнинг шонли анъаналарини оммалаштириш учун тадбирлар кўраётган партия, совет ва жамоат ташкилотларининг ташаббуслари ҳар жиҳатдан рағбатлантиришга муносибдир. Ўзбекистон ва Туркманистон диёрида тарбияланган қаҳрамон жангчилар тўғрисидаги брошюралар, плакатлар туркумлари босиб чиқарилганлиги ёшларга Октябрь ғалабалари ҳимоячиларининг шонли авлодига мансублиги учун ифтихор туйғусини сингдиришда ўз ролини ўйнайди.

Областлар ва районларда ўтказиб туриладиган мудофаа фаолларининг йиғилишлари, ёшлар ҳарбий госпиталларни оталиққа олганлиги ҳамда бошқа тадбирлар фойдали ташаббуслар жумласидандир.

Совет қўшинларининг Афғонистондаги чекланган қисмлари составида хизматни ўтаган жангчиларнинг интернационал бурчни фидокорона адо этиш тажрибаси ва намунаси ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Душманлар билан жангларда чиниққан, мардлик ва жасорат кўрсатган интернационалист-жангчилар ўз намунаси билан хизматга чақирилувчиларга, уларда ҳарбий биродарлик кучига нисбатан ишонч туғдиришга катта ижобий таъсир ўтказишлари мумкин ва лозим. Иш ёки истиқомат жойларида тузилаётган интернационалист-жангчиларнинг бирлашмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини йўналтириб туриш зарур.

Шу йил баҳорги чақириқ армияга борадиган ёшларнинг сифат характеристикаси аввалги йилларга нисбатан бирмунча яхшиланган, деган хулоса чиқариш имконини беради. Бу — кўп жиҳатдан аниқ мақсадни кўзлаб олиб борилган ҳарбий-ватанпарварлик ишларининг натижасидир. Аммо партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми берган ҳақиқат сабоғи руҳида ҳаракат қилиб, ана шу муҳим соҳадаги ишларнинг аҳволига партиявий баҳо бериб, ёшларни хизматга сифатли тайёрлаш ишида ҳали туб бурилиш рўй бермаганлигини қайд этиб ўтиш зарур. Камчиликлар ва турғунлик ҳолатлари ҳамон давом этмоқда. Уларнинг асосий сабаби шундаки, халқ депутатлари Советларининг баъзи ижроия комитетларида, ҳарбий комиссариатларда, комсомол комитетларида, мудофаа ташкилотларида, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш органларида мудофаа-оммавий ишларга пировард натижаларга қараб эмас, балки ўтказилган тадбирлар сонига, ёшларнинг қанчаси жалб этилганлигига қараб баҳо бериш практикаси ҳамон мавжуд. Ўртачалаштирилган рақамларнинг бундай ялпи кўрсаткичи жойлардаги ишларнинг ҳақиқий аҳволини безаб кўрсатади, холос.

Ёшларни тарбиялашдаги нуқсонлар армия муҳитига ҳам кўчирилмоқда, натижада эса «жарроҳлик» характеридаги чораларни кўришга тўғри келмоқда. Мана бир мисол. Н-қисмда ҳарбий интизомни бузган ҳарбий хизматчи Б. Рўзметов жавобгарликка тортилди. Рўзметов қатнашган можаро Урганч шаҳридаги йиғилиш пунктидаёқ юзага келган эди. Бу ҳақда маҳаллий органларнинг вакиллари ҳам билишарди. Билишса ҳам ҳеч қандай чора кўришмади ва аҳволнинг ҳаддан зиёд кучайиб кетишига имкон беришди. Бу типик воқеа эмас, бироқ у хизматга чақирилувчилар билан ишлашда ҳатто энг кичик нуқсонлар ҳам номатлуб оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан далолат бериб турибди.

Ёшларни Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишга тайёрлашда камчиликларга йўл қўймаслик учун эътиборни нималарга қаратиш керак?

Аввало «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида» СССР Қонунининг талабларига жойларда, шу жумладан ҳарбий комиссариатларда ҳам риоя этилиши устидан контролликни ташкил этиш кучайтирилиши лозим. Ҳатто хизматга чақирилувчиларни ҳисобга олиш каби участка ҳам регламентга солувчи ҳужжатларнинг талабларига ҳамиша мос келмаётганлиги сир эмас. Жумладан, Ашхобод, Чоржўй, Андижон, Самарқанд ва Тошкент областларида талабларни бузиш ҳоллари аниқланди. Иш ёки ўқиш жойларида армияга чақирилиш ёшидаги шахсларни ҳисобга олиш учун жавобгар бўлган айрим раҳбарлар муҳим ва масъулиятли вазифани ҳамон қўл учида бажармоқдалар. Назоратсизлик ва масъулиятсизлик, масалан, шунга олиб келдики, Тошкент политехника институтида 1987 йилнинг январида ўтказилган текшириш натижасида ҳарбий хизмат ёшидагилар учётида қоидалар бузилганлиги аниқланди. Бу шубҳасиз шундай хатога йўл қўйган шахсларга нисбатан партиявий баҳо берилишини, қатъий чоралар кўрилишини талаб қиладиган ярамас фактдир.

Областлар чақириқ комиссиялари район комиссияларининг ишини, айниқса ҳарбий хизматга чақиришни кечиктириш тўғрисидаги рухсатномаларни ва медицина гувоҳномаларини беришда уларни назорат қилмаяптилар. Ўзбекистон ССРда кейинги йилларда медицина гувоҳномаларини тасдиқлаш проценти пасайиб бораётганлиги тенденцияси диққатни жалб этади. Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона областларида врачларнинг хатолари ҳам ҳаммадан кўра кўпроқдир. Туркманистон ССРнинг баъзи областларида ҳам аҳвол худди шундай.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг энг муҳим элементларидан бири бўлмиш бошланғич ҳарбий тайёргарликнинг аҳволи тўғрисида алоҳида айтиб ўтиш керак. Бу соҳада ҳали талайгина камчиликлар борлигини жуда рўйирост эътироф этиш лозим. Мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, техникумларнинг ҳарбий раҳбарлари билан ишлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги бунинг асосий сабабидир.

Партия ва Совет ҳукуматининг талаблари зиммамизга ҳарбий раҳбар кадрларни танлаш, тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни яхшилаш вазифасини юклайди. Бу талаб қандай бажарилмоқда? Кўрилган чора-тадбирлар туфайли бундай кадрлар бўлмаган ўқув юртларининг сонини камайтиришга муваффақ бўлинди. Бироқ, айниқса қишлоқ жойларда жиддий сифат ўзгаришлари бўлмади. Чамаси, ҳарбий раҳбарларни танлаш ва уларни ўқитишда халқ маорифи органларининг ҳарбий комиссариатлар билан талаб қилинадиган даражадаги алоқаси йўқ, маҳаллий партия ва совет органлари эса бу ишни чуқур текширмаётирлар.

Сўнгги икки йил ичидагина иккала республика педагогика институтларининг ҳарбий кафедралари бошланғич ҳарбий тайёргарлик бўйича бир неча юз малакали ўқитувчини тайёрлаб берганлигига қарамай, уларга эҳтиёж ҳали ҳам катта. Округ қисмларида ҳар йили солдат ва сержантлардан ҳарбий раҳбар бўлиб ишлаш учун кўп миқдорда запасдаги офицерлар тайёрланмоқда. Бироқ уларнинг кўпларидан кейинчалик бошқа ишларда фойдаланиляпти.

Шуни таъкидлаш керакки, республика ва область ҳарбий комиссариатлари ҳозиргача бу ишда жиддий силжишни таъминлай олмадилар. Улар халқ маорифи ва ҳунар-техника таълими органлари билан биргаликда ҳарбий раҳбарларни танлаш ва жой-жойига қўйишни яхшилаш тадбирларини амалга оширмаётирлар.

Ўқув-моддий базасини яхшиламай туриб, бошланғич ҳарбий таълим самарадорлигини ошириб бўлмайди. «Бармоқ»ни кўрсатиб бўлажак жангчига кўп нарсани ўргатиб бўлмайди. Самарали машғулотлар учун яхши тирлар, машғулотлар ўтказиш учун мослаштирилган шаҳарчалар ва майдончалар, методик жиҳатдан тўғри жиҳозланган ўқув синфлари бўлиши лозим. Бу соҳада ижодий тажриба мавжуд. Масалан, Фарғона, Чоржўй, Тошкент ва Бухоро областларида ўқув-моддий базасини такомиллаштириш учун кўп иш қилиняпти. Афсуски, ҳамма жойда ҳам ана шундай иш олиб боряпти, деб бўлмайди. Айниқса Қашқадарё, Жиззах, Самарқанд ва Мари областларининг баъзи ўқув юртларидаги аҳвол кўнгилдагидек эмас. Бу областларда гимнастика шаҳарчалари, тактик тайёргарлик юзасидан машғулот ўтказиш учун шаҳарчалар, барча ўқув юртларида ҳам ўқ отиш тирлари ва бошқа иншоотлар жуда кам барпо этилган. Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССРдаги бошланғич ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия юзасидан тўла ҳажмдаги машғулотлар ўтказиш учун зарур бўлган барча элементлар комплекси бор, деб бўлмайди.

Мавжуд камчиликлар фақат маҳаллий аҳволга таъсир қилибгина қолмайди, бу камчиликлардан бутун мамлакат хабардор бўлмоқда. «Правда» газетасида Туркманистоннинг Тошовуз областида ёшларни армияда хизмат қилишга тайёрлашнинг аҳволига принципиал, танқидий баҳо берилди. «Эркаклар иши» мақоласи бу муҳим ва масъулиятли соҳада ишни барбод қилган ҳамма кишилар учун таънадир. Партия, совет органлари, жамоат ташкилотлари, ҳарбий комиссариатлар марказий партия газетаси мақоласидан тегишли хулоса чиқариб оладилар, деб ўйлайман. Аҳволни тубдан ўнглаб оладиган, нотўғри методлардан, яъни тўғри қарорлар аниқ ишларда давом эттирилмайдиган методлардан воз кечадиган пайт келди.

Совет Қуролли Кучлари учун мутахассислар тайёрлаб бериши лозим бўладиган республика ДОСААФ ташкилотлари фаолияти жиддий қайта қуришга муҳтождир. Биз республикаларнинг мудофаа жамиятлари армия ва флотга ҳар йили минглаб автомашина ва тягачларнинг малакали ҳайдовчиларини, электромеханиклар, парашютчилар, радистлар, операторлар ва бошқа мутахассисларни тайёрлаб бераётганини ҳисобдан чиқариб ташлай олмаймиз, албатта. Кўп ишлар қилинди, муайян ютуқларга эришилди. Лекин ҳаёт бир жойда қотиб турмайди. Кеча биз эришган ва қониқиш ҳосил қилган натижалар эртага юксак талабларга жавоб бермай қолади. Сўзсиз олға бориш, сўзсиз равишда кўпроқ нарсаларга эришиш, енгилроқ вазифалардан янада қийинроқ вазифаларга ўтиш зарурлиги тўғрисидаги ленинча кўрсатмалар биз учун доимий аҳамиятга эгадир.

ДОСААФ ташкилотлари ўқув-моддий базаси жуда секин суръатлар билан такомиллаштирилаётганлиги эндиликда бизни қониқтира олмайди. Масалан, Небитдоғ, Жиззах, Бекобод, Денов автомактаблари ҳозиргача машғулотларни сифатли олиб боришга мослаштирилмаган биноларга жойлашган, уларнинг синф-лаборатория ускуналари машғулотларни юксак методик даражада ўтказишни таъминлашга қодир эмас.

Спортнинг ҳарбий-амалий ҳамда техник турларини ривожлантиришда ДОСААФ ташкилотларининг ролини ошириш айниқса муҳимдир. Шу йўл билан биз армияга чақирилувчи ёшларнинг жисмоний ва техник маданиятини юксалтириш вазифасини ҳал қила оламиз.

Республикаларнинг туб миллат вакилларидан офицер кадрлар тайёрлаш проблемасини ҳам ҳарбий-ватанпарварлик проблемасини яхшилаш вазифалари билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқишимиз керак. Ҳозирги вақтда бизнинг офицерлар корпусида улар жуда озчиликни ташкил этади. Бу аҳвол — бир қанча жойларда ўқувчи-ёшларнинг ҳарбий касбларни танлаши қониқарсиз эканлигининг оқибатидир. Бу аҳвол шунга олиб келмоқдаки, Ўзбекистон ва Туркманистондан олий ҳарбий ўқув юртларига кириш учун борган йигитлар эса кўпинча умумтаълим ва рус тили бўйича тайёргарлиги бўшлиги сабабли имтиҳонлардан ўта олмаётирлар. Масалан, 1986 йилда мамлакатимиз ҳарбий билим юртларига республикаларимиздан юборилган номзодларнинг атиги 20 процентигина қабул қилинди.

Юз берган аҳвол ёш авлод онгига Ватан ҳимоячиси касбининг социал аҳамиятини сингдириш ишида тубдан қайта қуриш бўлишини тақозо этмоқда.

Ҳарбий хизматга чақирилувчиларни жисмоний жиҳатдан мустаҳкам чиниқтирмай туриб, уларни армияда хизмат қилишга тайёрлашни тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбекистон ва Туркманистон шароитларида қўшимча спорт заллари қурилишига маблағ сарфламай, бутун йил давомида очиқ майдонларда спорт билан шуғулланиш мумкин. Аммо қани энди бутун муаммо спорт машғулотлари учун жой масаласидан иборат бўлса?! Ҳатто спорт билан шуғулланиш учун шароит яратилган жойларда ҳам ишларнинг ҳақиқий аҳволини безаб кўрсатишдек яроқсиз тенденция мавжуд. Спорт комитетлари, халқ маорифи ва ҳунар-техника таълими органлари, ҳарбий комиссариатлар ёшларнинг ҳарбий хизматга жисмоний тайёргарлик даражасини юзаки таҳлил қилмоқдалар, уни яхшилашга тегишли таъсир ўтказмаётирлар. Биз кўпинча армияга чақирилувчиларнинг ҳар ўнтасидан тўққизтаси ГТО нормаларини топшириб, қўшинлар сафига бормоқда, деб дадил рапорт бериб, рақамларга маҳлиё бўлиб қоляпмиз. Контрол текширишлари чоғида эса ўзгача манзара намоён бўлмоқда. Биз кимни алдаяпмиз? — деб сўраш ўринли бўлур эди. Ахир, биринчи навбатда ўзимизни алдаяпмиз-ку.

Мудофаа — спорт соғломлаштириш лагерлари қурилишини ташкил этиш масалалари ҳам секинлик билан ҳал этилмоқда.

Юқорида келтирилган фактлар ва мисоллардан ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёнини тубдан яхшилаш зарур, деган хулоса чиқади.

Бунинг учун Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини байрам қилишга умумхалқ тайёргарлиги, шунингдек Совет Қуролли Кучлари ва Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг 1988 йилда нишонланадиган 70 йиллигига тайёргарлик кенг имкониятлар очиб беради.

Бизнингча, чақирилиш ёшига етмаган ва чақирилиш ёшидагиларни армияда хизмат қилишга тайёрлашдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан куч-ғайратларни аввало қайси асосий соҳаларга қаратиш керак?

Аввало, вужудга келган сийқа усуллардан қатъий воз кечиш, жойларда бу ишни ташкил этишда янгича ёндашувларни дадиллик билан қидириш, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш вазифасини сифат жиҳатидан янгича ҳал этиш борасида партия, совет, жамоат ташкилотлари, ҳарбий комиссариатлар, халқ маорифи органлари ва ДОСААФ ташкилотлари фаолиятидаги илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш билан фаол шуғулланиш лозим. Улар ўз фаолиятларида армияга чақириладиган маҳаллий миллат ёшларининг рус тилини жадал ўрганишларини ташкил этиш ва бутун бошланғич ҳарбий таълим системасини йўлга қўйишдаги турғунлик ҳолатлари ва нуқсонларини тугатишга асосий эътиборни қаратишлари керак. Бу соҳада ишларнинг аҳволини ўнглаб олиш зарурлиги тўғрисида умумий мулоҳазалар эмас, балки конкерт ишлар зарур.

ДОСААФ ва ҳунар-техника таълими раҳбарлари армияга чақирилувчилар ресурсларини ҳисобга олиб, ўқув юртлари жойлаштирилишига тегишли ўзгартишлар киритишлари лозим.

Партиямиз Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, йигитларни социалистик Ватанни ҳимоя қилишдан иборат конституцион бурчини бажаришга тайёрлаш билан боғлиқ бўлган талабларини бажариш учун партия, совет органлари, ҳарбий комиссариатлар раҳбарларига нисбатан, ДОСААФ ташкилотлари раисларига нисбатан талабчанликни ва уларнинг жавобгарлигини ошириш зарур. Партия ва совет органларининг мажлисларида уларнинг мавжуд камчиликларни тугатиш юзасидан амалга ошираётган ишлари ҳақидаги ҳисоботларини вақти-вақти билан эшитиб бориш практикага киритилиши керак. Маҳаллий органлар шу жойдан армияга чақирилганлар хизмат қилаётган ҳарбий қисмлар билан янада мустаҳкам алоқа қилиб туришлари мақсадга мувофиқдир. Бу аввало корхоналар, колхозлар ва совхозлар раҳбарларига, комсомол комитетларига тааллуқлидир. Бундай алоқадан икки томонлама наф кўрилади — жангчиларни тайёрлашда ҳам, ҳарбий хизмат йигитлар олдига қўядиган талаблар асосида билимларни чуқурлаштириш учун ҳам фойдалидир.

Граждан ёшларни ҳарбий касбларга йўналтириш ишларини тубдан яхшилаш тақозо этилади. Шу мақсадда матбуот, радио ва телевидение имкониятларидан, уруш қатнашчилари, Қуролли Кучлар ветеранлари, запасдаги жангчилар, айниқса Афғонистонда интернационал бурчини бажарганлиги учун тақдирланган запасдаги жангчилар, республикалар территориясида хизматни ўтаётган илғор жангчилар чиқишларидан фаолроқ фойдаланиш лозим. Ҳарбий билим юртларига кириш учун йигитларни танлаб олиш ишига уларнинг амалда қанчаси ўқув юртига кирганлигига қараб баҳо бериш керак.

Яқин келажакда биз бутун ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ишини кучайтириб, уни замон талабларига мувофиқлаштириб оламиз, деб умид қиламан. Бу эса социалистик Ватанимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.



# ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Канада Коммунистик партияси Марказий Ижроия комитетининг аъзоси, партия Марказий Комитетининг секретари Д. Биззелл бошчилигида Канада Коммунистик партиясининг делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишди.

Меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасини бориб кўрдилар. Улар «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида бўлдилар, Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Меҳнат коллективларида учрашувлар ва суҳбатлар бўлиб ўтди.

Делегация Самарқандга сафар қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов Д. Биззеллни ва делегациянинг бошқа аъзоларини қабул қилди.

(ЎзТАГ).

**Суратда: канадалик меҳмонлар Тошкентдаги СССР Халқлари дўстлиги майдонида.**

**А. Горокрик фотоси (ЎзТАГ).**

## СОВЕТ—ҲИНДИСТОН ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

2 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон ССРда Ҳиндистон фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот комитетининг мажлиси бўлди. Совет — Ҳиндистон дўстлиги фестивали мамлакатимизда шу йилнинг июлида бошланади. Сентябрь ойида у Ўзбекистон пойтахтига келади.

Мажлисда Совет — Ҳиндистон дўстлиги бўлажак байрамига аталган тайёргарлик тадбирлари плани муҳокама қилинди. (ЎзТАГ).

## КООПЕРАЦИЯ ВА БЕВОСИТА АЛОҚАЛАР АСОСИДА

2 июнь куни Тошкентда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо мамлакатлар вакилларининг газдан ёқилғи сифатида оқилона фойдаланиш муаммоси билан шуғулланувчи кенгашининг XXVI мажлиси ўз ишини тамомлади. Мажлис ишида Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, СССР ва Чехословакия вакиллари қатнашдилар.

Мажлисда юксак самарали горелкалар ва газдан фойдаланиш техникасини яратиш, технологияни такомиллаштириш, ёниш натижасида ҳосил бўладиган маҳсулотлар ҳароратидан яхшироқ қайта фойдаланиш масалалари кўриб чиқилди. Шу йилнинг ўзидаёқ кооперация ва бевосита алоқалар асосида қўшма ишлаб чиқаришни барпо этиш ҳақида бир битимга эришилди.

— Бу ерда биз бундай алоқаларни ривожлантиришнинг аниқ-равшан йўналишлари ҳақида совет касбдошларимиз билан келишиб олдик, деди Болгария делегациясининг раҳбари Илия Златев. — Автомат блок горелкалар ишлаб чиқаришни биргаликда ўзлаштирамиз. Бундай горелкалар ЎИЁКга аъзо мамлакатлар учунгина эмас, жаҳон бозори учун ҳам қизиқарли бўлади, деб ўйлаймиз. «ВНИИпромгаз» институти Ўрта Осиё филиалининг олимлари ишлаб чиққан кўп хил ёқилғидан фойдаланувчи горелка қурилмалари Болгариядаги бир қанча электр станцияларда жорий қилинди ва анчагина миқдордаги ёқилғини тежаб бермоқда. Шу билан бирга атмосферага зарарли моддаларнинг чиқарилиши анча камаяди.

Тошкентдаги мажлисда 1990 йилгача мўлжалланган фан-техника ҳамкорлиги планларига аниқлик киритилди. Газдан фойдаланиш соҳасидаги ЎИЁК стандартларининг лойиҳалари кўриб чиқилди.

Мажлис қатнашчилари Ўрта Осиё — Марказ газ қувури «Хива» газ компрессор станциясида бўлдилар, «Средазтрансгаз» бирлашмасининг иши билан танишдилар. (ЎзТАГ).

## Украинада дўстлик байрами

Ўзбекистон билан Украинани турли соҳалардаги самарали ҳамкорлик билан мустаҳкамланган қадимий дўстлик алоқалари боғлаб турибди. Июль ойининг бошларида Украина диёрида бўладиган республикамиз адабиёти ва санъати кунлари интернационал қардошликнинг ана шу ёрқин солномасига янги саҳифалар қўшади.

Дўстлик байрами Киев шаҳрида бошланиб, Украинанинг ҳамма жойларида давом этади. Бу эса республика меҳнаткашларига Ўзбекистон бадиий сўз усталари, маданият арбоблари ижоди билан, ўзбек фольклори, халқ санъати анъаналари билан яқиндан танишиш имконини беради. Республикамиз вакиллари Львов, Ворошиловград ва Донецкда, Ивано-Франковск ва Николаевда ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

«Оқ олтин» ўлкасидан вакил бўлиб борувчилар орасида ўзининг 30 йиллигини нишонлаган машҳур Ўзбекистон ССР «Баҳор» халқ рақс ансамбли, «Лазги» ва «Шодлик» вокаль-хореографик ансамбллари бор. Навоий номли Давлат академик опера ва балет Катта театри солистлари ва оркестри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган «Ялла» Давлат ансамбли катта программа тайёрламоқдалар.

Делегациялар составига Ўзбекистон ижодий союзларининг намояндалари, жамоатчилик, меҳнат коллективларининг вакиллари ҳам киритилади.

(ЎзТАГ).

## СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН!

Газеталар, журналлар, телевидение ва радиоэшиттиришларида ҳарбий-ватанпарварлик мавзуини энг яхши ёритиш учун Совет Қуролли Кучларининг 70 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ конкурсининг шиори шундай. СССР Журналистлар союзининг правлениеси. Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг Бош сиёсий бошқармаси, СССР ДОСААФ Марказий Комитети ҳамда уруш ва меҳнат ветеранлари Бутуниттифоқ кенгаши бу конкурснинг ташкилотчиларидир.

Конкурс 1987 йилнинг 1 июнидан 1988 йилнинг 10 февралигача ўтказилади. Социалистик жамиятни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ленин ғояларини, совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари қаҳрамонона, революцион ва жанговар анъаналарини, армия ва флот шахсий составининг ҳаёти ва жанговар ўқишини, заводлар, фабрикалар, совхозлар, колхозлар, ўқув юртлари ва ташкилотларнинг ҳарбий қисмлар ва кемалар билан оталиқ алоқаларини, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялашни, запасга бўшатилган аскарларнинг меҳнат шавкати ва юксак ижтимоий фаоллигини ёритиш ҳамда пропаганда қилиш конкурс материалларига бериладиган баҳонинг асосий мезонларидир.

Конкурс ғолиблари конкурсни ўтказувчи ташкилотларнинг пул мукофотлари ва Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланадилар.

Республика, ўлка, область журналистлар ташкилотлари тавсия этган материаллар «конкурсга» деб ёзиб қўйилган ҳолда қуйидаги адресга юборилади: 123826. ГСП, Москва, Д—317, Хорошевское шоссе, 38, «Красная звезда» газетаси редакцияси.

